

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гилинский Я.И. Рубеж: Альманах социальных исследований. Сыктывкар, 1992. № 2. С. 82-88.
2. Радеев В.В. Шкаратан О.И. Социальная стратификация. М.: Наука, 2014. 237 с.
3. Убайдуллаева Р.А. Вояга етмаганлар асоциал хулқ-атворининг ижтимоий жиҳатлари. Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2005.№ 3. Б.73.
4. Тожибаев Б.Т. Ўзбекистон ўқувчи-ёшларида девиантлик профилактик омилларининг социологик таҳлили. Соц.фан.PhD..диссер. Тошкент: Академия, 2019. Б. 130.

Ю.М. Хаджаева

Фарғона политехника институтининг

Фарғона, Ўзбекистон

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ

Жаҳон банки институти таърифига кўра, “ДХШ-хусусий томон ва давлаторгани ўртасидаги давлат активларини яратиш ёки хизматларини тақдим қилишучун узоқ муддатли шартнома бўлиб, унда хусусий томон сезиларлича каттарисклар ва бошқарув учун жавобгарликни олади”. Осиё тараққиёт банки томонидан берилган таърифга кўра, “ДХШ атамаси-инфратузилма ёки бошқа хизматлар кесимида ижтимоий ва хусусий ташкилотлар ўртасидаги мумкин бўлган барча муносабатлар диапозонини ифодалайди”.

Бундан ташқари, А.Ш. Федерал транспорт бўлимининг ДХШ бўйича Конгрессга берган ҳисоботида “ДХШ – анъанавий иштирокига нисбатан хусусий шерикка давлат билан муносабатларда кўпроқ иштирок қилишига имкон берувчи шартномавий келишув бўлиб, мазкур келишув одатда хокимияторгани билан хусусий компания ўртасида модернизациялаш, қурилиш, ишлатиш, муайян объектни, тизимни сақлаш ёки бошқаришни назарда тутди” деб келтирилади.

Ҳиндистон ҳукумати томонидан эса, “ДХШ – бу ҳукумат ёки ижтимоий сектор томонидан хусусий компаниялар билан фойдаланувчилардан тўловлар ундириш

эвазига инфратузилма хизматлари билан таъминлашга қаратилган шартномавий ёки концессион келишув лойиҳасидир” деб таърифланади.

Британия Колумбияси ва Канада ҳамкорлиги доирасида, “ДХШ – давлатва бизнес томонлари ўртасидаги активларни яратиш ва хизматларни тақдимқилиш учун қонунга кўра мажбурий шартнома бўлиб, у томонлар ўртасидариск ва мажбурияларни тақсимлашни ўрнатади” деб талқин қилинади.

Австралия ҳукумати эса, “ДХШ- давлат ва хусусий секторнинг давлаттопшириғига кўра инфратузилма ва бошқа хизматларни тақдим этиш бўйичахусусий секторга пули тўлаб бериладиган топшириғи бўлиб, одатда у бутунхусусий цикл давомида инфратузилмани қурган хусусий секторга фаолияткўрсатиши, сақланиши каби вазифаларни юклайди”.

Ирландия ҳукумати эса, “ДХШ – давлат томонидан анъанавий тарздаамалга ошириладиган хизматлар тақдим этиш ва бошқа лойиҳаларни амалгаошириш бўйича давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликдир” дебтаърифлайди. Гонгконгда “ДХШ- ўзаро ҳар бир томон корхонага тегишли хисса қўшишорқали давлат хизматларини кўрсатишга хусусий томонни жалб қилишгақаратилган шартномавий битимдир” деб талқин этилади. Янги Зеландияда “..объект ёки активни яратиш ёки мавжудлариниреконструкция қилишни ва хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи узоқмуддатли шартномалардир” деб ДХШ таърифи қабул қилинган.

Францияда эса, “Шерикчилик шартномаси – маъмурий шартнома бўлиб,унга кўра давлат ёки давлат ташкилоти учинчи томонга фақат улуш қўшишбилан қатнашишдан мустасно бўлган, инвестициялар амортизация меъёрларида белгиланган, келишилган молиявий шартларда давлат хизматларини тақдим қилиш учун зарур бўлган қурилиш, қайта қуриш, сақлаш, фойдаланиш, моддий ва номоддий активларни бошқариш билан боғлиқ, тўлиқ ёки қисман молиялаштиришга асосланган мажбуриятларни юклайдиган шартномадир” деб қабул қилинган.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра Фарғона вилоятининг мактабгача таълим соҳасида 2019 йилнинг биринчи ярмида қуйидаги ислохотлар амалга оширилган.

Биринчидан қамров кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки,Фарғона вилоятида 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига мактабгача таълим ташкилотлари сони жами 1223 тага етказилиб, (798 та давлат, 425 та нодавлат) 137.3 минг нафар болалар (шундан 123041 нафар давлат мактабгача таълим ташкилотларида, 14343 нафар нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида) мактабгача таълим

ташкilotларига қамраб олинди. 2019 йилда қамров кўрсаткичлари бугунги кунда 47.1 % га оширилди. Вилоятда 2019 йилда 425 нафар тадбиркорлар томонидан 14986 қувватга эга нодавлат мактабгача таълим ташкilotлари (22 та давлат-хусусий шериклик, 336 та оилавий ва 67 та хусусий) фаолияти йўлга қўйилган бўлиб ҳозирда ушбу ташкilotларда 14343 нафар болалар тарбияланмоқда. 2019 йилнинг 1 июль ҳолатига вилоятда Вазирлар Маҳкамасининг 475-сонли қарори бўйича 3 та, ВМнинг 595-сонли қарори бўйича 336 та ва ПҚ-3651-сонли қарор бўйича 22 та ҳамда 67 та хусусий нодавлат мактабгача таълим ташкilotлари фаолияти йўлга қўйилди.

Иккинчидан, вилоят мактабгача таълим ташкilotларида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тадбирлари қониқарли даражада йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябр кунги “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 3261-сон қарорида белгиланган вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 14/1-2264-сонли кўрсатмасида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, мактабгача таълим ташкilotлари тарбияланувчиларини тўлақонли ва соғлом овқатлантириш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини янада самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида 2018 йил 8 октябрдан бошлаб тажриба тариқасида Фарғона шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 5 та (3,5,9,15,17) мактабгача таълим ташкilotларида “Vanessa De Lyuks” корхонаси қошидаги “Far Golden Times” хусусий корхонаси томонидан “Аутсорсинг” усулида овқатлантириш ташкил этилган. 2019 йил 22 апрель кунини Аутсорсинг усулида овқатлантиришни ташкил этилган мактабгача таълим ташкilotларида аутсорсер корхона фаолиятини аниқлаш юзасидан сўровнома ўтказилди. Сўровномада жами 1407 нафар ота-оналардан 448 нафари қатнашиб, барчалари аутсорсер фаолиятини ижобий баҳоладилар.

Вилоят Давлат санитария-эпидемиология маркази масъул ходимлари билан ҳамкорликда мактабгача таълим ташкilotларига кириш қилинаётган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харид тизими, сифати сертификатига мувофиқлиги, сақланиши ва мақсадли сарфланишини доимий назорат қилиб бориш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси мутахассислари томонидан Фарғона вилояти мактабгача таълим ташкilotлари ошхоналарида фаолият юритаётган, лекин шу йўналиш бўйича маълумотга эга бўлмаган ошпазлар учун махсус ўқув курси

ташкил этилиб, ўқув курсини ўтаган ошпазлар 3-тоифали ошпаз ихтисослигини тасдиқловчи дипломлар билан таъминландилар.

2019 йил март ойи вазирлик томонидан “соғлом овқатлантириш ойи” деб эълон қилинган бўлиб ушбу ойлик доирасида вилоятдаги барча таълим ташкилот ҳамширалари, омборчилари ва ошпазлари учун ўқув семинарлари ўтказилди.

Учинчидан ислохотларнинг натижалари мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия соҳасида талаб даражасида таъминланган, яъни мактабгача таълим бўлимлари, мактабгача таълим ташкилотларининг раҳбар ва педагог ходимларига Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйилган Давлат талаблари ва “Илк қадам” давлат ўқув дастуринининг мазмун-моҳиятини амалиётга татбиқ этиш, фаолиятни белгиланган тартибда ташкил этилишида самарадорликка эришиш мақсадида ҳар бир ҳудуддан 5 нафардан 218 нафар энг салоҳиятли ва тажрибали илғор педагог кадрлар (тренер ўқитувчилар) рўйхати шакллантирилди.

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича туман, шаҳар мактабгача таълим бўлимлари буйруғи билан 58 та “Замонавий методик таянч” мактабгача таълим ташкилотлари танлаб олинди ва ҳафтанинг бир куни “Методик кун” этиб белгиланди.

Ҳудудларда танланган “Замонавий методик таянч” мактабгача таълим ташкилотда педагог кадрлар учун методик хоналар ташкил этилди. Тренер ўқитувчилар томонидан “Методик кун”ларда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш, Илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйилган Давлат талаблари ва “Илк қадам” давлат ўқув дастурини амалиётга татбиқ этиш, машғулот жараёнларини режалаштиришда тарбиячининг ижодий ёндашиш ва янги педагогик технологиялар асосида олиб борилиши ўргатилмоқда.

Бошқарманинг “Таълим-тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш” бўлими методистлари ва тажрибали мусиқа раҳбарлари, Марғилон педагогик коллежи ҳамда Фарғона давлат университетининг ўқитувчилари билан ҳамкорликда “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида машғулотларни сифатли ташкил этиш машғулотлар мазмунини бойитиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотлари мусиқа раҳбарлари учун методик қўлланма ишлаб чиқилиб, Мактабгача таълим вазирлигининг мувофиқлаштириш Кенгашига тақдим этилди.

Тарбиячилар педагогик фаолиятининг нуфузини янада ошириш, касбий фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш мақсадида “Йилнинг энг яхши тарбиячиси” касбий кўрик-танлови ташкилланди. Ушбу танлов қуйидаги

“Энг яхши методист тарбиячи”, “Энг яхши ижодкор тарбиячи”, “Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи” номинациялари бўйича ўтказилди. Танловда барча шаҳар, тумандаги мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячилари иштирок этди. Танлов натижаларига кўра “Энг яхши методист тарбиячи” номинацияси бўйича Қувасой шаҳар 22-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси М.З.Хокимжонова, “Энг яхши ижодкор тарбиячи” номинацияси бўйича Фарғона шаҳар 52-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Х.А.Акрамова, “Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши тарбиячи” номинацияси бўйича Марғилон шаҳар 35-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси М.М.Қосимовалар ғолибликни қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди ва эсдалик совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Вилоятда жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун 20 та ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилотлари бўлиб, 5 та касаллик тури бўйича 9 таси махсус, 11 таси кўп тармоқли ташкилотларни ташкил этади.

Ихтисослаштирилган 20 та давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги жами 975 нафар педагог ва 170 нафар тиббиёт ходимлари 188 та гуруҳдаги 2597 нафар болаларга таълим-тарбия ва коррекцион соғломлаштириш ишлари олиб бормоқдалар. 2019 йилнинг 9 ойи давомида мактабгача таълим ташкилотларида қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ҳисобига мактабгача таълим ташкилотларига болалар қамровини 49.1% га ошириш режалаштирилмоқда.

2019 йилда мактабгача таълим ташкилотларида таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш бўйича ўқув-методик материаллар билан таъминлаш ҳамда таълим жараёни сифатини янада ошириш чоралари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрь “2019 йилда мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш манзиллий дастури тўғрисида”ги ПҚ-4067-сонли қарорига мувофиқ вилоятдаги жами 35 та мактабгача таълим ташкилотларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, шундан 1 та объектда янги қурилиш 125 ўрин-қувват) ҳамда 34 та объектда реконструкция (жами 5285 ўрин-қувват) ишларини олиб бориш белгиланган. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишлари учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт ташкилотларини моддий-техника базасини ривожлантириш

жамғармасы маблағлари ҳисобидан 125,9 млрд. сўм маблағ сарфланиши белгиланган. Дастур ижроси бўйича пудрат ташкилоти томонидан ер 100%, демонтаж 93%, пойдевор 100%, том 97 %, сувоқ ишлари 93 % га бажарилди. Жорий йилнинг 3-чорагида канализация, ёритиш тизими ва пардозлаш ишларини ҳамда атроф девор ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда вилоятдаги хусусий тадбиркорлар ўртасида 407 та битимлар имзоланган бўлиб, бугунги кунга қадар 53 нафар тадбиркорларга 51 403 млн.сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу қурилиш-таъмирлаш ишларини жорий йилда якунлаш ва фойдаланишга топшириш белгиланган.

Тадқиқотларимиз натижасида Фарғона вилоятида мактабгача соҳада юзага келаётган тизимли муаммолар долзарблигини аниқладик:

1. Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига тўлиқ қамраб олиш ва қамров кўрсаткичларини ошириш юзасидан вилоятда мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, мазкур тайёрлов гуруҳлари фаолиятини олиб бориш учун давлат мактабгача таълим ташкилотларининг қуввати етишмайди. Натижада 6 ёшли болаларни тўлиқ қамраб олиш имконияти чегараланади.

Таклиф: Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг бўш турган бинолари, ёки 1 сменали умумтаълим мактабларининг 2-сменасида аудиториялардан фойдаланиш;

2. Давлат хусусий шериклиги асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва жиҳозлашга ажратиладиган имтиёзли кредит маблағларини ўз вақтида етказиб берилиши кечиктирилмоқда

Таклиф: Давлат шериклиги асосида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича тадбиркорларга ажратиладиган кредит маблағларини ўз вақтида етказилишини таъминлаш лозим.

2020 йилда мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш кўрсаткичларини ошириш юзасидан 39.7 минг нафар болаларни қўшимча қамраб олиш натижасида 2020 йилда 177.0 минг нафар болаларни қамраб олиш ҳисобига қамров кўрсаткичларини 61.0% га ошириш режалаштирилган.

Келгуси йилда 372 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ҳисобига 12250 та янги қувватлар яратилиши режалаштирилган. Шунингдек, 2020 йилда 606 та қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш ҳисобига 18177 нафар болаларни қамраб олиш белгиланган. 2020 йилда Мактабгача таълим

ташкilotларини янги қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳисобига 6740 та (янги қуриш-390 ўринли, реконструкция қилиш-6350 ўринли) янги қувватлар яратилиши режалаштирилган.

Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 20 майдаги 77-сонли буйруғининг 4-бандига асосан 14 та педагогика коллежларининг бўш турган бино иншоотларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида 2525 ўринли давлат мактабгача таълим ташкilotларини ташкил этиш назарда тутилган.

Замонавий жамиятда инновацион технологияларнинг жадал ривожланиши таълим тизимини қайта қуриш заруриятини келтириб чиқарди. Янги илғор технологиялар соҳага муҳандислик касблари бўйича юқори малакали мутахассисларни мактабгача ва бошланғичдан бошлаб, олий таълимгача бўлган энг замонавий ўқиш услубларига асосланган таълим тизимини жорий этишни тақозо этмоқда. Зеро, юқори малакали мутахассислар мамлакатнинг динамик геосиёсий шароитида иқтисодиётнинг ривожланиши, хавфсизлиги ва рақобатдошлиги билан боғлиқ давлатнинг катта умидлари ва юқори масъулиятига эга эканлиги аниқ.

Ўзбекистонда умуман ихтисослашган фан ва таълим ривожланишида жуда муҳим бўшлиқлар мавжуд. Айниқса, илмий-техник соҳадаги бўшлиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академикларининг ўртача ёшини белгилашда характерлидир, тахминан 69,5 ёш. Бу ёш авлодни фанга жалб қилишда иштирок этиш зарурлигини, шунингдек қўшимча рағбатни яратиш, мамлакатнинг инновацион ривожланиши шароитида илмий соҳа касбларини ва уларнинг эҳтиёжларини кенг билишга чорлайди.

STEM - таълимоти асосий омилга айланаётган ҳудудлар спектрифаол ривожланмоқда, юқори технологияли ишлаб чиқариш соҳасида иш ўринлари сони ўсмоқда.

Юқори технологияли бозорни яратиш орқали маҳаллий илм-фанни жаҳон даражасига кўтариш ва мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш учун Ўзбекистонда илмий ва технологик фаолияти даражасини оширишга эҳтиёж бор. Мамлакатдаги мавжуд олий маълумотташкilotлари муҳандислик танқидий ва ижодий фикрлашни шакллантиришга қуйидаги сабабларга кўра ҳисса қўша олмайдилар:

- таълимнинг барча даражаларида конструктив фикрлашни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмайди;

- шахс ривожланишининг асослари шаклланиш даври бўлган мактабгача ёшда ижодий фикрлаш ва тасаввурининг паст даражаси;

- жамоада ишлай олмаслик ва етакчилик фазилатлари ва қобилиятниетишмаслиги;

- интеллектуал мулкка ҳурматнинг йўқлиги.

STEM дастури ушбу муаммолар ечими сифатида мактабгача ёшдаги болаларда дастлабки муҳандислик фикрлашни шакллантириш учун ишлаб чиқилган. Бу махсус умумий таълимнинг барча даражаларида ўқитиш ва тарбиянинг ташкил этилган жараёни. Мактабгача таълим босқичида ўқувчиларда замонавий билим асосларини, ноёб фикрлаш қобилиятини олдинга суриш, ривожлантириш, ўз ғоялари ва фикрларини ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантириш зарур. STEM - бу муаммони ижодий ҳал этиш учун ишлаш алгоритми ва асосий принциплари. Ўқув жараёни STEM концепциясига мос келиши учун, ўқитишнинг таниш шаклини ўзгартириш керак - дарс ўқитувчи атрофида қурилганида - талабаларнинг ўзлари жамоавий ишлашга қараб ўзгариши керак.

STEM таълими - таълимга интеграллашган ёндошувга мўлжалланган ва 4 асосий йўналишни бирлаштирувчи муҳандислик ва инновацион фикрлашнинг устувор йўналишларидан биридир:

1. Science.Илмий.
2. Technology.Технология.
3. Engineering.Муҳандислик.
4. Mathematics.Математика.

STEM –дастури лойиҳага йўналтирилган ёндошишни ўзичига олади, шунда ўқувчилар реал маҳсулотларни яратишда олинган билимларни қўллашади. STEM - лойиҳалариқуйидаги соҳаларда амалга оширилиши мумкин: робототехника, 3D анимация ва дастурлаш.

STEM - лойиҳаси устида ишлаш ўз ичига бир неча босқичларни, уларнинг ҳар бириянги билим ва кўникмаларни, масалан:муаммонинг баёни, лойиҳани ишлаб чиқиш, фан ва технология саноатнинг замонавий прототипини яратиш, прототипни синовдан ўтказиш, лойиҳани биргаликда муҳокама қилишни ўз ичига олади. Ўқувчилар юқорида кўрсатилган фанлардан билим оладилар, шунингдек, ижодкорликни, ташкилий ва алоқа кўникмаларини ривожлантиришни талаб қиладиган лойиҳа устида ишлашади. Лойиҳалар болани анъанавий таълим ва амалий ишларни муайян вазифалар билан бирлаштирган ҳолда ҳақиқий ҳаётга тайёрлайди.

STEM-ни мактабгача таълимнинг академик дастуригакиритиш болаларда фикрлашнинг илмий шартларини шакллантиришга ёрдам беради, бу эсаилмий-

техник соҳадаги касбларга қизиқишни уйғотади. Ўз навбатида, фан фаолиятнинг барча соҳаларида технологик тараққиётга эришишнинг калитидир. STEM тизими йўналишлари халқ таълими дастурига киритилган мамлакатларда дунёнинг турли бурчакларидан келган ёш ва истеъдодли дастур ишлаб чиқувчиларини кўришингиз мумкин. Ичида “ёш” тушунчаси 7 ёшдан бошлашни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги № ПФ-5544-сон Фармонида мувофиқ STEM дастури бундай натижаларга эришиш ва мамлакатни глобал инновацион индекс рўйхатга киритиш борасида илк қадам ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил, 24 январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат – Хусусий шерикчилик асосида замонавий мактабгача таълим ташкилотни ташкил этиш тўғрисида” 681-сонли 2018 йил 24 август қарори.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови / Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи, 2016 йил 8 декабрь.
6. Кабашкин В.А. Государственно-частное партнерство в регионах Российской Федерации: учебное пособие / Кабашкин В. А. М.: Дело, 2010.С.120.
7. Варнавский В.Г., Клименко А.В., Королев В.А. Государственно-частное партнерство: теория и практика: учебное пособие / Варнавский В. Г.,Клименко А. В., Королев В. А. М.: ГУ-ВШЭ, 2010.